

## Дастлабки гуруҳ ҳожиларимиз ҳаждан келишди



10:00 / 19.08.2019 2078

Жорий йилнинг 18 август куни дастлабки гуруҳ ўзбекистонлик ҳожилар она-Ватанга етиб келдилар. Жидда-Тошкент йўналиши бўйича Тошкент халқаро аэропортига келган юртдошларимизнинг барчалари соғ-саломат.

Ҳожилармиз Макка ва Мадина шаҳарларида бўлиб, ҳаж амалларини мукамал адо этишди. Ибодатлар чоғида ҳожилар бугунги саодатли кунлар учун шукроналар айтиб, Яратгандан юртимизга қут-барака, халқимизга бахт-саодат, эртанги умидимиз бўлган фарзандларимизга нурли келажак сўраб дуолар қилдилар.

Ўзбекистонлик ҳожиларимизнинг Ватанга қайтишлари шу йил 18 августдан 1 сентябргача давом этади. Юртимиз ҳожиларини ҳаж

амалларини мукамал адо этганлари билан муборакбод этамиз.

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Image not found or type unknown

